

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВ ФАРРУХ РАХИМОВИЧ**

**АҲОЛИНИНГ ХАВФ ОМИЛИ ЮҚОРИ ГУРУҲЛАРИДА  
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР СКРИНИНГИ ВА  
ИНСУЛЬТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК  
ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Шарипов Фаррух Рахимович**

Аҳолининг хавф омили юқори гуруҳларида цереброваскуляр касалликлар скрининги ва инсультнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш ..... 5

**Шарипов Фаррух Рахимович**

Скрининг цереброваскулярных заболеваний в группах высокого риска и разработка превентивных мероприятий по профилактике инсульта ..... 28

**Sharipov Farrukh Rakhimovich**

Screening for cerebrovascular diseases in high risk groups and developing preventive measures to prevent stroke ..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 57

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019 Tib.31.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ШАРИПОВ ФАРРУХ РАХИМОВИЧ**

**АҲОЛИНИНГ ХАВФ ОМИЛИ ЮҚОРИ ГУРУҲЛАРИДА  
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАР СКРИНИНГИ ВА  
ИНСУЛЬТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК  
ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент  
14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1780 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупалиев Баходир Кахрамонович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Маджидова Яқутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимбаева Гульнара Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ибрагимов Азиз Юлдашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўчаси, 74-уй. Тел./Факс: (+998) 71-207-08-30; e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўчаси, 74-уй. Тел./Факс: (+998) 71-207-08-30.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Х.М. Хатамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аҳолининг хавф омили юқори гуруҳларида цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) скрининги ва инсультнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш, бирламчи ногиронлик ва ўлимни олдини олиш муҳим тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...цереброваскуляр касалликлардан ногиронлик ривожланиши ва ўлим кўрсаткичлари бўйича энг хавфлиси бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ҳисобланиб, инсультларнинг 85% ишемик, 15% эса геморрагик табиатга эга. Йилига ярим миллиондан ортиқ инсонлар биринчи марта инсульт билан касалланиб, уларнинг 75% яшаб қолади, 10–12% да инсультнинг яна такрорланиши кузатилади ва аксарият ҳолларда ўлим билан тугайди...»<sup>1</sup>. ЦВКни бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинидаги ҳақиқий иш шароитларига мослаштирган ҳолда алгоритмлаш, профилактик чораларни ишлаб чиқиш, тиббий реабилитация қилишни ангиожарроҳлик ва ангионеврология асоратларини ҳисобга олган ҳолда самарали усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда ЦВК скрининги ва инсультнинг олдини олиш бўйича даволаш-профилактик ёрдамни такомиллаштириш, саломатлик ҳолатини хавф омилларини баҳолаш орқали яхшилашга қаратилган устувор йуналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ЦВК ривожланишига хавф солувчи омилларни, жумладан, юрак қон-томир касалликларини (ЮҚТК) эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, бирламчи тиббий муассасаларда ташхисот усуллари ва даволаш мезонларини оптималлаштириш, касалланишнинг авж олиши ва асоратларини камайтириш, уларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида инсультнинг олдини ўз вақтида олиш ва юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, ЦВК профилактикаси бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аҳолининг турли қатламлари ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни, жумладан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, соматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самараси ўлароқ соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва профилактика

<sup>1</sup> <http://www.ЖССТ> ички медиа-маркази. ЖССТнинг 2017 йилги ҳисоботлари.

қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида қон айланиш тизими касалликлари асоратларини ташхислаш ва даволаш бўйича замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун замонавий технологияларни қўллаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти VI. «Тиббиёт ва фармакология» бўйича Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлар талабларига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЦВКни даволашнинг янги ва самарали усуллари жорий этиш бутун дунё бўйлаб ўлим ҳолатларини камайтирган бўлсада, беморларнинг 80% дан ортиғи ҳали ҳам ногирон бўлиб қолмоқда ва уларнинг 10% доимий ташқи ёрдамга муҳтож (Скворцова В.И., Иванова Г.Е., Стаховская Л.В., 2011). Исмагилов М.Р., Мажидова Я.Н. ва ҳаммуаллифлар (2006) тадқиқотига кўра, Ўзбекистоннинг йирик саноат шаҳарларида 20 ёшдан ошганлар орасида инсульт билан касалланиш 1000 аҳолига 3–4 тани ташкил этиши аниқланган. Шунингдек, ЦВКнинг сурункали шакллари кенг тарқалганлиги, улар орасида когнитив бузилиш, юриш қийинлиги, ҳиссий ва иродавий бузилишлар ҳам мавжудлиги аниқланди (Варакин Ю.Я. Гнедовская Е.В., Горностаева Г.В. ва бошқ., 2013). Услубий ва ташкилий масалалар туфайли сурункали ЦВК бўйича аниқ эпидемиологик маълумотларни олиш қийин, аммо расмий статистика шуни кўрсатадики, 2018 йилда сурункали ЦВК юзасидан тиббиёт муассасаларига 6,4 миллион марта мурожаат қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги).

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони.

Бирламчи сурункали ЦВКнинг тарқалиши расман хабар қилинганидан юқорилиги аниқланган (Варакин Ю.Я., 2012). Шунга қарамай, услубий ва ташкилий муаммолар туфайли сурункали ЦВК бўйича аниқ эпидемиологик маълумотларни олиш қийин кечган. Очiq турдаги аҳоли скрининги маълумотларига кўра, 40–59 ёшдаги одамлар орасида рўйхатга олинган барча ЮҚТКнинг умумий тарқалиши 20% ни ташкил қилади (Варакин Ю.Я., 2012). Цереброваскуляр бузилишларнинг дастлабки босқичларида бўлган беморлар кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшда бўлиб, уларда цереброваскуляр шикастланишларнинг олдини олиш учун алоҳида назорат ва эътибор талаб этилади (Гильманов Д.Ш., 2008). ЦВК асоратидан ишемик инсульт эркакларда интра- ва экстракраниал артериялари атеротромбози натижасида, аёлларда кардиоген эмболия натижасида ривожланиши аниқланган (Таняшан М.М., 2021).

Ҳозирда тиббиёт ЦВК асосидаги патогенетик омилларни тушунишда катта ютуқларга эришган бўлишига қарамасдан, замонавий клиник мезонлар ва ташхисот усуллари кўпинча ўз вақтида ва аниқ ташхис қўйишга имкон бермайди. Бу самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишни қийинлаштиради. Бинобарин, ЦВКни эрта ташхислаш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, цереброваскуляр етишмовчиликнинг дастлабки босқичларида ЦВКни эрта аниқлашнинг самарали усуллари ва ташкилий моделларини ишлаб чиқиш учун аниқ ташхисот натижаларини олиш, касалликнинг ўрнини қошлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берувчи патологик ўзгаришлар эҳтимолини ўз вақтида башорат қилишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Асаб касалликларида қон-томир, яллиғланиш, дегенератив ва ирсий нерв-мушак касалликларининг патогенетик хусусиятлари» мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** 40 ёшдан ошган кишиларда цереброваскуляр касалликлар ва инсультни скрининг қилиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича профилактика чораларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аҳоли ўртасида ЦВК ривожланиш динамикасининг этиопатогенетик жиҳатларини таҳлил қилиш орқали патологиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;

ЦВКни ташхислаш истиқболли усулларининг маълумотлилиқ ва ишончлилиқ даражасини ҳисобга олган ҳолда улардан амалий соғлиқни сақлаш бўғини даражасида алгоритмлаш жараёни учун инструментал ёрдам сифатида фойдаланиш имкониятини аниқлашга имкон берувчи аналитик тадқиқот ўтказиш;

ЦВКнинг дастлабки кўринишлари мавжуд бўлган беморларни ташхислашнинг босқичма-босқич режасини тузиш ва ЦВК билан оғриган беморларни ташхислаш жараёнини бошқариш учун алгоритмик схемани ишлаб чиқиш;

ташхисот жараёнини бошқариш учун тавсия этилган алгоритмни синаб кўриш ва олинган маълумотларни қайта ишлаш учун ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тадқиқот натижаларининг самарадорлигини баҳолаш;

тавсия этилган методикани бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинидаги ҳақиқий иш шароитларига мослаштирган ҳолда ЦВК билан оғриган беморларда профилактик чораларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг туман тиббиёт бирлашмаларида инсультнинг терапевтик ва жарроҳлик профилактикаси бўйича превентив тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ангиожарроҳлик ва ангионеврология бўлимлари / марказларини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЦВК ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳига кирувчи ва 5 та соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари (М.Улуғбек тумани 6-, 8-сон ОП ва КТМП, Юнусобод тумани КТМП ва 51-сон ОП)да ўтказилган тадқиқот сўровномасида иштирок этиш учун «Хабардор розилиги» хатини имзолаган 1483 респондент, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида янги ташкил этилган 35 та Кўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари марказлари бўйича ҳисобот ҳужжатлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ЦВКга чалинган беморларнинг (стандартлаштирилган интервью шаклидаги) ижтимоий хусусиятлари, ижтимоий-гигиеник таҳлил (бухгалтерия ва ҳисобот ҳужжатларидан маълумотларни нусхалаш), турмуш тарзи ва тиббий фаоллиги маълумотлари, тест натижалари, сўровномалар ва тиббий-ташкилий фаолият натижалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда стандартлаштирилган сўровномалар, ижтимоий интервью, ижтимоий-гигиеник таҳлил, скрининг маълумотларини тўплаш, бевосита кузатиш, иқтисодий таҳлил, диспансеризация ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

цереброваскуляр касалликлари (ЦВК) ривожланиш хавфи бўлган беморларни даволаш ва олдини олишда сурункали мия ишемияси ва когнитив сохани баҳолашга кўра аниқлашнинг зарурути исботланиб, 40 ёшдан катта бўлган аҳоли қатлами орасида ушбу касалликни босқичма-босқич скрининг қилишнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

хавф гуруҳларида ташхислаш жараёнларини когнитив функция ва уйқу артериясидаги пульсация камайиши асосида бошқарувчи алгоритмик схемага асос солиниб, бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида цереброваскуляр касалликларни ривожланиш хавфини гуруҳлар (енгил, ўрта ва юқори)га ажратишга кўра баҳолаш асосланган ва реал ишлаш шароитларига мослаштирилган;

цереброваскулярь касалликлари билан касалланган беморларнинг касаллик даражасини анъанавий усуллар билан билан бир каторда, ноанъанавий ақлий қобилиятни пасайиши, уйку артериясида пульсацияга кўра баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланиб, касаллик даражасини балл тизимида баҳолаш орқали профилактик чора-тадбирлар режаси оптималлаштирилган;

инсултнинг терапевтик ва жарроҳлик профилактикаси бўйича касалликни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконига эга бўлган 35 та туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўтқир қон-томир касалликлари марказлари таркибида ангиожарроҳлик ва ангионеврология марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЦВК ривожланиши хавф гуруҳларини аниқлаш бўйича скрининг ташхисот усули таклиф қилинган ва ОП шароитларида ушбу касалликларнинг ташхисотини яхшилаш мақсадида ишлатилиши тавсия қилинган;

туман тиббиёт бирлашмаларида инсултнинг терапевтик ва жарроҳлик профилактикаси бўйича превентив тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган ангиожарроҳлик ва ангионеврология бўлимлари / туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўтқир қон-томир касалликлари марказлари ташкил этиш тавсия қилинган;

туманлараро кўшма шикастланишлар ва ўтқир қон-томир касалликлари марказлари тармоғини ривожлантириш ва уни такомиллаштириш орқали ЦВК билан оғриган беморларга тезкор, аниқ, тўғри ташхис қўйиш, даволаш ва ўз вақтида реабилитация қилиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот иштирокчилари сонининг етарлилиги, миқдорий, экспериментал, ретроспектив, сифатли ҳамда кўп омилли аралашувлар ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақдим этилган маълумотлар ЦВК билан оғриган беморларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш орқали ташхисотни оптималлаштиришга катта ҳисса қўшиши ва касалликлар ривожланиши даражаси ҳамда хавф гуруҳларини тақсимлаш тўғрисида объектив маълумот бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар ЦВК ривожланишининг олдини ўз вақтида олишда самарали натижаларга эришиш, шунингдек, даволаш сифатини ошириш, ногиронликни камайтириш ва ушбу гуруҳ беморларининг қониқарли ҳаёт сифатини сақлашга ёрдам берадиган профилактика тактикасини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Тошкент педиатрия тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2023 йил 21 ноябрдаги 03/132-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 20 сентябрдаги 03/1873-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: цереброваскуляр касалликлари (ЦВК) ривожланиш хавфи бўлган беморларни даволаш ва олдини олишда сурункали мия ишемияси ва когнитив сохани баҳолашга кўра аниқлашнинг зарурути исботланиб, 40 ёшдан катта бўлган аҳоли қатлами орасида ушбу касалликни босқичма-босқич скрининг қилишнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* цереброваскуляр касалликларни аниқлашнинг кўпайишига, мурожатлар ва ўлимнинг пасайишига ёрдам бериши асослангани Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича 11.11.2020 йилдаги 10-5/2865-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан ибора:* асоратлар хавфи паст бўлган арзонроқ нархда даволанган беморлар сонининг 1,5 баробар кўпайишига, шунингдек, инсулт билан оғриган беморлар ва ногиронларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланишига олиб келди ва энг кам харажат ва асоратлар хавфи бўлган беморлар сони 1,5 баробар, уларнинг ижтимоий фаоллик даражаси 1,6 баробар ошди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* цереброваскуляр касалликлар учун ишлаб чиқилган скрининг дастури ҳар бир бемор учун иқтисодий самарадорликни йилига 2712333 сўмга оширди ва ногиронлик бошланишини камида икки марта кечиктиришга имкон берди. *Хулоса:* умуман Ўзбекистонда цереброваскуляр касалликлар ривожланиш динамикасининг этиопатогенетик жиҳатларини скрининг дастури бўйича таҳлил қилиш ушбу патологиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тушунишга ёрдам беради. Цереброваскуляр касалликларнинг асосий сабаблари ва механизмларини ўрганиш орқали тадқиқотчилар ушбу касалликнинг аҳоли ва иқтисодиётга юқини камайтириш учун яхшироқ профилактика ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқишлари мумкин;

иккинчи илмий янгилик: хавф гуруҳларида ташхислаш жараёнларини когнитив функция ва уйқу артериясидаги пульсация камайиши асосида бошқарувчи алгоритмик схемага асос солиниб, бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида цереброваскуляр касалликларни ривожланиш хавфини гуруҳлар (енгил, ўрта ва юқори)га ажратишга кўра баҳолаш асосланган ва реал ишлаш шароитларига мослаштирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* аҳоли скрининг маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган цереброваскуляр касалликларнинг дастлабки кўринишларини визуализация жараёнини оптималлаштириш режаси Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича 11.11.2020 йилдаги 10-5/2865-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг*

*ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* юрак-қон томир касалликлари ва цереброваскуляар касалликлар ривожланишининг хавфини скрининг баҳолаш орқали соғлиқни сақлаш муассасалари амалиётига киритилган цереброваскуляар касалликларнинг дастлабки кўринишларини визуализация жараёнини оптималлаштириш режаси юқори самарадорлигини кўрсатди ва миянинг зарарланган ўчоғини локализация қилиш, шикастланишнинг катталиги ва табиатини аниқлаш, вақт ўтиши билан патологик ўзгаришларнинг ривожланишини кузатиш, миянинг чуқур қисмларида диффуз зарарланишларни аниқлаш имконини берди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотга киритилган цереброваскуляар касалликларнинг дастлабки кўринишларини визуализация жараёнини оптималлаштириш режаси асосида ёндашиш шифохонанинг йил давомидаги харажатларнинг 1203190,7 сўмни тежашга ҳамда тиббий ёрдам сифатининг ошишига олиб келди. *Хулоса:* беморларни текширишда қўлланилган цереброваскуляар касалликларнинг дастлабки кўринишларини визуализация жараёнини оптималлаштириш режаси цереброваскуляар касалликларни аниқлашда самарали эканлигини исботлади. Натижалар шуни кўрсатадики, усул соғлиқни сақлаш муассасаларида юрак-қон томир касалликлари ташхисини яхшилаш учун фойдали эканлигини исботлаган;

учинчи илмий янгилик: цереброваскуляар касалликлари билан касалланган беморларнинг касаллик даражасини анъанавий усуллар билан билан бир қаторда, ноанъанавий ақлий қобилиятни пасайиши, уйқу артериясида пульсацияга кўра баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланиб, касаллик даражасини балл тизимида баҳолаш орқали профилактик чора-тадбирлар режаси оптималлаштирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* ихтисослашган неврологик бўлимлар ва марказларда тиббиёт ходимлари фойдаланиши учун ишлаб чиқилган инсультли беморларни бошқариш алгоритми Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича 11.11.2020 йилдаги 10-5/2865-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* инсультли беморларни бошқариш алгоритми оғир инсульт ҳолатларида ўлимга олиб келадиган такрорий инсультнинг олдини олиш учун жарроҳлик даволашни кўриб чиқади, ҳамда касаллик даражасини балл тизимида баҳолаш орқали профилактик чора-тадбирлар режаси оптималлаш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* инсультли беморларни бошқариш алгоритми ҳар бир бемор учун бюджет маблағининг йилига 3532500 сўмни тежашга ва касаллик асоратларининг ривожланишини камида икки марта кечиктиришга имкон беради. *Хулоса:* инсульт билан оғриган беморларни стандарт даволашнинг жараёни уларнинг соғлиғининг турли жиҳатларини, масалан, неврологик касалликлар, қон томирлари хавф омиллари, когнитив функциялар, мулоқот қобилиятлари, кайфиятнинг бузилиши ва реабилитация потенциалини баҳолаш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: инсультнинг терапевтик ва жарроҳлик

профилактикаси бўйича касалликни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконига эга бўлган 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари таркибида ангиожарроҳлик ва ангионеврология марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* қон томир марказларининг ташкил этилиши цереброваскуляар касалликларга чалинган одамларга тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашда ҳал қилувчи омил бўлиб, тиббий-ижтимоий муаммони ҳал қилиш орқали ўлим ҳолатларини камайтириши ва такрорий қон томир касалликларининг ривожланиши олди олиниши асослангани Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича 11.11.2020 йилдаги 10-5/2865-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* инсультнинг терапевтик ва жарроҳлик профилактикаси бўйича касалликни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш имконига эга бўлган 35 та туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари таркибида ангиожарроҳлик ва ангионеврология марказларини ташкил этилди ва неврологларнинг 183,75 штати очилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ялпи минтақавий маҳсулотнинг ўсиши ва ногиронлик нафақаси ҳажмининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда, 27,6 йилда иқтисодий йўқотишлар 1566,9 фоиздан 1134,9 миллион сўмга камайганини кўрсатди. Бу цереброваскуляар касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар цереброваскуляар касалликлар туфайли бирламчи ногиронликнинг иқтисодий юқини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради. *Хулоса:* марказларнинг ташкил этилиши цереброваскуляар касалликларни даволашга, шу жумладан профилактика, диагностика, хавфларни баҳолаш, даволаш ва реабилитацияга комплекс ёндашишга олиб келди. Бу юрак-қон томир касалликлари, шу жумладан цереброваскуляар касалликлар ва инсультдан касалланиш, ногиронлик ва ўлимнинг камайишига олиб келди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та услубий тавсиянома чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шу жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган маълумотларнинг ишончилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Цереброваскуляр касалликларни баҳолашнинг тиббий-ижтимоий, иқтисодий жиҳатлари ва insultнинг олдини олиш бўйича превентив чора-тадбирларни ташкил этиш»** деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилиб, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Цереброваскуляр касалликларни ўрганиш ва insultнинг олдини олиш бўйича превентив тадбирларни ташкил этишнинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **«Цереброваскуляр касалликлар скрининги ва insultнинг олдини олиш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган методологик ёндашувлар ва усуллар тақдим этилган.

Диссертация ишида муаммони ҳал қилишда комплекс ёндашувни таъминлаш учун изчил қўлланилган турли хил тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Ушбу усуллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўрганилаётган аҳолидан маълумот тўплаш учун стандартлаштирилган интервью шаклидаги социологик усул;
- ҳисоб-ҳисобот ҳужжатлари маълумотларини тўплашдан иборат ижтимоий-гигиеник усул;
- ўрганилаётган аҳолини тўғридан-тўғри кузатиш орқали маълумот тўплаш учун бевосита кузатиш усули;
- ўрганилаётган муаммо билан боғлиқ иқтисодий жиҳатларни баҳолаш учун иқтисодий таҳлил усули;
- муаммо билан боғлиқ бозор тенденциялари тўғрисида маълумот тўплаш учун бозорни таҳлил қилиш каби маркетинг усуллари;
- маълумотларни таҳлил қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш учун мантиқий таҳлил усули.

Ўрганилаётган аҳолининг тиббий-ижтимоий хусусиятларини тушуниш учун танлама ҳажми А.М.Мерков (1962) формуласи билан маълум аҳоли сонига қараб аниқланди. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, 40 ёшдан 94 ёшгача бўлган кишилар орасида юрак қон-томир касалликларининг тарқалиши 81,1% дан 96,6% гача, ўртача 85,0% ни ташкил этади. Ушбу тадқиқот учун умумий аҳоли сони шаҳар аҳолиси сифатида мос келувчи ёш оралиғидаги аниқланиб, 14 830 кишини ташкил этди.

А.М.Мерковнинг (1962) формуласи бўйича умумий 14 830 аҳоли сонига нисбатан 3006 нафар респондент репрезентатив танламаси ҳисоблаб чиқилган. Аҳолининг ҳар бир аъзоси тадқиқотга тенг қўшилиш имкониятига эга бўлишини кафолатлаш учун танлама тасодифий тарзда ўтказилган. Бу ҳолисликни минималлаштиришга ва тадқиқот натижаларининг бутун аҳоли учун умумийлигини оширишга ёрдам беради. 40–94 ёш гуруҳларидан текширилганларнинг улуши 55,5% ни ташкил қилади. Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудлари учун ҳар бир ёш гуруҳидаги танламалар ҳажми 250 дан 610 кишигача бўлган (Г.В.Базиян ва Г.В.Новгородцев формуласи асосида, 1968). Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ўтказилган кўрик натижаларини таҳлил қилиш зарурати туфайли таҳлил қилинаётган аҳолининг ҳақиқий ҳажми тахмин қилинганидан каттароқ бўлиб чиқди. Жами 3006 скрининг карталари таҳлил қилинди, аммо агар респондентлар саволларнинг 60% дан камини тўлдирган бўлсалар, анкета материаллари чиқариб ташланди. Натижада статистик ишлов беришга 1483 регистр киритилган.

Назорат текширувларини олиб бориш, олинган материалларни ишлаб чиқиш, уларни муҳокама қилиш ва таҳлил қилиш неврологик текширувлар натижаларининг ишончилигини ошириш ва ЦВКни клиник баҳолашда ёндашувларнинг бирлигига мос келди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида тўпланган маълумотлар бирламчи статистик ишловдан ўтказилди. Ушбу вазифани бажариш учун анкеталарни қайта ишлаш дастури ишлаб чиқилди ва Microsoft Office дастурий таъминотидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг учинчи босқичи куйидаги вазифаларни изчил ҳал қилишни назарда тутди: аҳолига реабилитация хизматларини кўрсатиш хусусиятларини ўрганиш ва юрак қон-томир касалликларида реабилитация хизматлари даражасини тадқиқ қилиш.


Ўзбекистон Республикаси бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот-таҳлил марказининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти тўғрисидаги статистик материаллар» ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (2021)нинг «2018–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш» статистик тўпламларидан, шунингдек, Ахборот-таҳлил маркази, Давлат статистика бошқармаси ва ORCMacro «Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини ўрганиш 2021» маълумотларидан олинган.

Тадқиқотда 2018 ва 2021 йилларда Ўзбекистон аҳолисида ЮҚТКдан эрта ўлимнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилинди. Бу йиллар тасодифан танланган эмас – 2018 йил қон томир касалликлари бўлган беморларга тиббий ёрдамни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан олдинги ЮҚТКдан ўлим кўрсаткичларини, 2021 йил эса ушбу чора-тадбирлар киритилгандан кейинги вазиятни акс эттиради. ЮҚТКдан ўлим кўрсаткичлари 100 000 кишига ҳисобланди. Нисбий

қийматлардаги фарқларнинг ишончилиги Z-мезон ёрдамида аниқланди,  $p < 0,05$  бўлганда фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди.

Статистик таҳлил намунавий қисмлар (ёки фоизлар) ўртасидаги фарқнинг ишончилигини аниқлашни ўз ичига олди. Тўпланган маълумотлар нормал тақсимотга мос келишига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, Microsoft Excel дастурий пакети ёрдамида ўтказилган тадқиқотда миқдорий ўзгарувчиларни таҳлил қилиш Стьюдентнинг t-мезонидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «Умуман Ўзбекистонда цереброваскуляр касалликларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш имконини берувчи ушбу патология ривожланиш динамикасининг этиопатогенетик жиҳатлари таҳлили» деб номланган учинчи бобида цереброваскуляр касалликларнинг асосий сабаблари ва механизмларини аниқлаш тўғрисида маълумотлар берилган ҳамда ушбу патологиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асосланган. Беш йил давомида ЦВК билан касалланишнинг барқарор ўсиши кузатилган (1-расм).




1-расм. 2016–2020 йилларда Ўзбекистон ҳудудларида 100 000 аҳолига ЦВК билан ўртача йиллик бирламчи касалланиш.

Айниқса, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида юқори кўрсаткичлар аниқланди. Шундай қилиб, агар 2016 йилда бу кўрсаткичлар 100 000 аҳолига 173 ва 302 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда улар деярли 2 бараварга ошган. Тошкентда тескари кўрсаткичлар кузатилди. Яъни, 100 000 аҳолига ЦВК билан ўртача йиллик бирламчи касалланиш 2019 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 1,3 бараварга камайди.

Ўзбекистонда ЮҚТКдан ўлим коэффиценти 12 ой давомида ХКТ I60-I69 кодлари 10-таҳрири бўйича таснифланган касалликлардан ўлганлар сонини аниқлаш ва уни 100 000 аҳолига нисбатан ифодалаш орқали ҳисоблаб чиқилган (2-расм). Диаграммдан кўриниб турибдики, беш йиллик кузатув давомида ЦВКдан ўлим ҳолатлари 19,7% га камайган. ЦВК билан умумий касалланишнинг камайиши 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 17.03.2014 йилдаги «ЎКС/ЎМИ билан оғриган беморларга диагностик ва терапевтик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 106-сонли ва 17.11.2014 йилдаги «Артериал


гипертензия билан оғриган беморларга диагностик ва терапевтик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 422-сонли буйруқларига биноан чора-тадбирлар амалга оширилганлиги билан изоҳланади.



**2-расм. 100 минг аҳолига нисбатан 40 ёшдан ошган одамлар орасида ЦВКдан ўлим ҳолатлари динамикаси.**

Буйруқларда ЦВК сабабларидан бири бўлган юқори қон босими билан тавсифланувчи касалликларнинг олдини олиш чоралари кўзда тутилган.

Маълумки, ЦВКнинг сурункали кечиши инсультнинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг статистик маълумотларига кўра, инсульт регистри маълумотлари бўйича 2021 йилда ЦВК билан оғриган беморлар сони 59 280 та ҳолатни ташкил этади (3-расм).




**3-расм. Ўзбекистон худудлари бўйича 2021 йилда ЦВК билан касалланган беморлар сони.**

Энг юқори кўрсаткичлар Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилган. Шунини таъкидлаш керакки, барча рўйхатга олинган инсульт ҳолатларининг атига 22,9% РШТЁИМ ва уларнинг филиаллари каби ихтисослаштирилган муассасаларда ётиб даволанишган.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда катталар ўртасида ЦВК билан боғлиқ бирламчи ногиронлик 2016 йилда 10 000 аҳолига 10,9 дан 27,5% га, 2020 йилда эса 10 000 аҳолига 7,9% гача камайган.

Ўзбекистонда ёши катта аҳоли ўртасида 2016 йилдан 2020 йилгача ЦВК билан ногиронлик гуруҳларининг тақсимланиши таҳлили ўтказилди. Натижада, ногирон аҳолининг аксарияти 39,5% ни ташкил қилиб, учинчи гуруҳга тегишли эканлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳ 32,8%, биринчи гуруҳ эса 27,7% ни ташкил этди (4-расм).

5 йил ичида биринчи ва иккинчи ногиронлик гуруҳларига мансуб ногиронларнинг улуши мос равишда 28,0% дан 22,3% гача ва 33,4% дан 29,5% гача камайди. Аксинча, учинчи ногиронлик гуруҳидаги ногиронлар улуши 38,6% дан 41,5% гача ўсди. Бундай силжишни неврологик бўлимларда цереброваскуляр касалликларга чалинган беморларнинг функционал натижаларини яхшилашга имкон берувчи илғор даволаш ва реабилитация усуллари билан фойдаланилганлиги билан изоҳлаш мумкин.



**4-расм. Ўзбекистонда ёши катта аҳоли орасида 2016–2020 йилларда ЦВК туфайли бирламчи ногиронликнинг гуруҳга қараб улуши (%)**

Таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистонда ЮҚТК билан касалланишнинг ўсиши ҳам, камайиши ҳам, шунингдек, турли йилларда кўрсаткичларнинг тебраниши, баъзан эса қарама-қарши йўналишларга қараб бориши кузатилди.

ЦВКни даволаш, ташхислаш сифатини ошириш ва унинг олдини олиш учун Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида скрининг дастурларини ташкил этиш муҳим. Бу дастурлар ЦВК ҳолатларини аниқлаш ва зарур реабилитация чораларини кўришга ёрдам беради. 2018–2020 йилларда ЦВКни аниқлаш

бўйича ташхисот тадбирларини амалга оширишга имкон берадиган дастурий комплекс ишлаб чиқилди.

«Скрининг» ташхисот дастурий комплекси касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида ЦВК белгиларини скрининг қилишга мўлжалланган ташхисот усуллари, шунингдек, ЦВК ривожланиши хавф омилларини аниқлаш учун сўровномалар тўпламидир.

Беморларда ЦВК ривожланиши хавф омилларининг мавжудлиги текширилди:

1. ТМИни ҳисобга олган ҳолда антропометрик маълумотлар;
2. Қон босимини ўлчаш.
3. Когнитив соҳани баҳолаш (мини КОГ шкала);
4. Сурункали мия ишемиясининг клиник белгиларини баҳолаш;
5. Лаборатория текширувлари: қон глюкозаси, умумий холестерин;

Скрининг якуний маълумотларга асосланиб, ЦВК ривожланиш хавфи эҳтимолини ҳисоблашни ўз ичига олади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Цереброваскуляр касалликлар ривожланиш хавфини баҳолаш

	Текшириш усули	Паст	Ўрта	Юқори
1	Федин А.И. амбулатор шкаласи бўйича беморларнинг шикоятларини ўрганиш	10 баллдан кам (енгил аломатлар)	10–20 балл (ўртача аломатлар)	20 дан ортиқ балл (оғир аломатлар)
2	Мини КОГ тестига мувофиқ когнитив функцияларни ўрганиш	3 (1 балл) норма ҳисобланади	2 (2 балл) ўртача когнитив пасайиш	0–1 (3 балл) кучли когнитив пасайиш
3	Уйқу артериясининг бўйин бифуркацияси соҳасидаги аускультацияси	1 балл пульсациянинг аҳамиятсиз пасайиши	2 балл пульсациянинг ўртача пасайиши	3 балл пульсациянинг кучли пасайиши
4	Қондаги холестеринни экспресс усул билан аниқлаш	5,2–5,5 (1 балл)	5,5–7 (2 балл)	7 дан баланд (3 балл)
5	Қондаги қанд миқдорини экспресс-усул билан аниқлаш	5–6 (1 балл)	6–7 (2 балл)	7 дан баланд (3 балл)
6	Қон босимини ўлчаш	130–140 (1 балл)	140–160 (2 балл)	160 ва ундан баланд (3 балл)
7	Тана массаси индексини ўлчаш	25–29 (1 балл)	30–35 (2 балл)	35–40 (3 балл)
8	Беморнинг ёши	40–49 ёш (4 балл)	50–59 ёш (8 балл)	60 ёш ва ундан катталарда (12 балл)
9	Цереброваскуляр касалликлар ривожланиш хавфини аниқлаш	20 балл	30–40 балл	50 балл

Беморнинг ташхисот саволларига жавоблари тўпланади ва маълумотлар базасида қайд этилади. Ушбу маълумотларга асосланиб, ЦВКнинг хусусиятларига қараб ташхисот матрицаси тузилади. Ушбу матрица ҳар бир симптом градациясини тегишли касалликда симптом бўлиш эҳтимоли билан таққослайдиган «эталон» матрицаларни яратиш учун ишлатилади.

Ушбу матрицалар ва маълум аломатлар мавжудлигига қараб муайян бир касалликларга аниқ ва тўғри ташхислаш учун ишлатилиши мумкин.

Тўпланган балларга қараб ЦВК хавфининг уч даражаси аниқланди: паст, ўрта ва юқори. Ҳар бир даража ўзининг диапазоности балларига эга. Скрининг натижасида шифокор профилактик ёрдамни юритиш ва кўрсатишнинг индивидуал режасини ишлаб чиқади.

Федин амбулатор шкаласи кўрсаткичларининг эркаклар ва аёллар ўртасида ўзгаришида сезиларли фарқлар аниқланди. Сезиларли фарқ бўлганда эркакларда шкала кўрсаткичи  $6,6 \pm 4,8$  ни, аёлларда эса  $8,2 \pm 5,9$  ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ).

Эркакларда MiniCOG тестининг ўртача балли  $1,2 \pm 1$ , аёлларда  $1,6 \pm 0,7$  баллни ташкил этди. Бўйин бифуркацияси соҳасидаги уйқу артерия аускультацияси натижасида ўртача балл эркаклар учун  $1,2 \pm 1$ , аёллар учун  $1,1 \pm 0,8$  баллни ташкил этди. Қондаги холестерин даражаси  $1,4 \pm 0,7$  балл фарқ билан эркакларда ҳам, аёлларда ҳам  $5,5 \pm 0,9$  баллни ташкил этди. Эркаклар ва аёлларда қондаги қанднинг даражаси  $1,4 \pm 0,8$  балл фарқ билан ўртача  $5,6 \pm 1,0$  ни ташкил этди. Қон босими ўлчанганда эркакларда ҳам, аёлларда ҳам ўртача балл  $1,1 \pm 0,7$  баллни ташкил этди. Эркакларда ТМИ индекси  $1,4 \pm 0,7$ , аёлларда эса  $1,2 \pm 0,5$  баллни ташкил этди.

Ўтказилган скрининг натижасида текширилган шахсларнинг ярмидан кўпида (58,0%) ЦВК ривожланишининг ўртача хавфи борлиги аниқланди, бу патологиянинг юқори ривожланиш хавфи – 16,0%, паст хавф эса 26,0% шахсларда қайд этилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи ЦВК ривожланишига олиб келадиган хавф омилларини баҳолаш эди, шунинг учун биз паст хавfli шахсларнинг ўртача ёши –  $43,9 \pm 1,6$ , ўртача хавф –  $58,8 \pm 3,2$  ва юқори хавф –  $69,3 \pm 2,8$  ёшни ташкил этганини аниқладик (2-жадвал). ЦВК ҳолатларининг максимал мутлақ миқдори ҳар икки жинсда 66–75 ёшли гуруҳларда бўлган бўлса, кичикроқ фоизлар 45 ёшгача бўлган ва 70 ёшдан ошган беморларда кузатилди.

## 2-жадвал

### ЦВК ривожланиши хавфи турлича бўлган шахслар ёш даражаси

Ёш	Паст хавф		Ўрта хавф		Юқори хавф	
	абс	%	абс	%	абс	%
40–45 ёш	235	60,9	161	18,7	11	4,6
46–55 ёш	142	36,8	352	40,9	24	10,1
56–65 ёш	9	2,3	289	33,6	59	24,9
66–75 ёш	0	0	40	4,7	128	54,0
75 ва ундан катта ёш	0	0	18	2,1	15	6,3
Ўртача ёш, йил	$43,9 \pm 1,6$		$58,8 \pm 3,2$		$69,3 \pm 2,8^*$	

**Изоҳ:** \* – паст ЦВК хавфига нисбатан маълумотларнинг ишончилиги.

ЦВК тарқалиши кўпинча қарияларда кузатилди. Натижада, ЦВК хавфи юқори бўлган одамларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшдан катта эканлиги ва бу аҳолининг 71,9% ни ташкил этиши аниқланди.

Қариялар ва кексаларда бир қатор сабабларга кўра ЦВК ривожланиш хавфи юқори. Биринчидан, ушбу ёш гуруҳида ЦВКнинг тарқалиши юқори

эканлиги кузатилади. Иккинчидан, қарияларда асаб тизимининг компенсатор имкониятлари пасаяди, бу эса юрак қон-томир асоратлари ривожланиш хавфини оширади. Учинчидан, гипертензия, атеросклероз, қандли диабет ва бошқа патологиялар каби ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлиги ҳам ушбу ёш гуруҳида ЦВК хавфининг юқори бўлишига сабаб бўлади.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ЦВК ривожланиш хавфи ёш ўтиши билан сезиларли даражада ошади. Олинган маълумотлар корреляцион таҳлил билан тасдиқланиб, скрининг балл кўрсаткичлари билан ёшнинг бевосита юқори корреляцияси аниқланди ( $r=0,324$  – паст хавф остида ва  $0,895$  – юқори хавф остида;  $p<0,01$ ).

Скрининг қилинган шахсларда ЦВКнинг асосий субъектив клиник кўринишлари доимий дезадаптацияга сабаб бўлувчи бош оғриғи, бош айланиши, қулоқда шовқин, хотира ва диққатнинг сусайиши, ҳиссий бузилишлар ва иш қобилиятининг пасайиши бўлган (5-расм).



5-расм. А.И.Фединнинг амбулатор шкаласи маълумотлари бўйича церебрал характердаги шикоятларнинг семиологик хусусиятлари (2015).

Қон босими даражаси таҳлил қилинганда, скрининг қилинган шахсларнинг 45% да СҚБ/ДҚБ кўрсаткичлари кўтарилгани, 20% шахсларда эса юқори қон босими кўрсаткичлари ўртача 130/85 ни ташкил этгани қайд этилди.

Турли ЮҚТК хавф омилларининг тарқалиши таҳлил қилинганда натижалар шуни кўрсатдики, артериал гипертензия (АГ) – 35,5%, гиперхолестеринемия – 43,0%, чекиш – 31%, кам сабзавот истеъмоли – 67%, ортиқча тана вазни ёки семириш – 50,0%, кам жисмоний фаоллик – 19% ҳолларда иштирок этган.

Гипертония ёки юрак ишемик касаллиги (ЮИК) каби тасдиқланган қон томир касаллиги бўлган одамларда ҳар қандай частота ва давомийлик билан бош оғриғи, бош айланиши, бошдаги шовқин, хотира бузилиши ва иш

қобилиятининг пасайиши каби бешта церебрал шикоятлар комбинацияси мавжудлиги эрта цереброваскуляр касалликнинг клиник белгиси ҳисобланади. Бу ноқулай прогнозга олиб келиши мумкин бўлган жиддий касаллик ҳисобланади.

Олинган скрининг маълумотларига мувофиқ, ЦВК ривожланиш хавфи даражасига қараб, шахсларни кейинчалик даволаш учун йўл харитаси таклиф этилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### ЦВК ривожланиш хавф гуруҳидаги беморларни индивидуал ва гуруҳли ҳамда иккиламчи профилактикасининг мезонлари

Ривожланиш хавфи паст	Ривожланиш хавфи ўртача	Ривожланиш хавфи юқори
